



*№ 26 / ЖК
01.03.2021 йил*

**Тошкент шаҳар ҳокими
А.Ж.Артикходжаевга**

Тошкент шаҳар “Сувтаъминот” МЧЖнинг
тарифларни шакллантириш бўйича
таклифи тўғрисида

Ҳурматли Жаҳонгир Абидович!

Тошкент шаҳар “Сувтаъминоти” МЧЖсининг сув таъминоти ва канализация хизматларининг тарифлари бўйича 2020 йил декабрдаги таклифини Жамоатчилик кенгашининг “Тариф комиссияси” томонидан муттасади ташкилотлар қатнашувида ўтказилган муҳокамаси бўйича, ўтказилган Жамоатчилик эшитувлари хулосаларини эътиборингизга хавола қиламиз (илова қилинади).

Ўтказилган эшитувларнинг асосий мақсадлари тарифларни шакллантиришда шаҳар аҳолиси ва истеъмолчилар манфаатлари қай даражада инобатга олинганлиги, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшиланиши ва тарифларни шаклланиш жараёнини тизмийлигини аниқлашдан иборат бўлган.

Иловада қайд этилганидек, тариф бўйича таклифларни тайёрланишида ўрнатилган тартиб талабларига кўп ҳолатларда риоя қилинмаган. Айниқса истеъмолчилар ва абонентлар сонини аниқлашда йўл қўйилган камчиликлар ва дебитор қарзларни кескин пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқилмаганлиги туфайли, тарифларни ўсиши асосан тўловларни ўз вақтида амалга ошираётган ҳолис абонентлар ҳисобидан таъминланиши ва тўлов тартибини бузиб келаятган абонентларга имтиёз бериш ҳолатига олиб келган.

Фикримизча, бундай вазият, Тошкент шаҳар Уй-жой ва коммунал хизматлари Бош бошқармаси, Молия Бош бошқармаси, Монополияга қарши курашиш бошқармаси, ҳамда Ҳалқ Депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши томонидан киритилган тариф бўйича таклифлар чуқур таҳлил қилинмай, умумий муҳокама мухлати тугалланмасидан, истеъмолчилар томонидан киритилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлардан тегишли хулосалар чиқармасдан, тарифларни асосиз маъқуллаш ва тасдиқлаш сабабли юз берган.

Юқоридагиларни инобатга олган холда, 1 ой давомида амалга оширилиши зарур бўлган куйидаги таклифларни эътиборингизга тавсия этамиз:

1. Тошкент шаҳар ҳокимиятнинг иқтисодиёт ва коммунал хўжалиги бўйича комплекслари, тегишли мутассади ташкилотларни жалб қилган холда, иловада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш.

2. Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан коммунал ва бошқа корхоналарнинг тарифларни шакллантириш, истеъмол нормаларини ва инвестиция лойихаларини тайёрлаш, маъқуллаш ва тасдиқлаш тартибини ўрнатиш.

3. Тошкент шаҳар Халқ депутатлари кенгашининг коммунал тарифларни ва объектларнинг манзилли рўйхатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Регламентини қабул қилиш.

4. Тошкент шаҳар Уй-жой ва коммунал хизматлари Бош бошқармаси ва шаҳар “Сувтаъминот” МЧЖ, Уй-жой ва коммунал хизматлари вазирлиги ва “Узсувтаъминот” АЖ билан биргаликда “Уч йиллик инвестициялар ва хизматлар режасини” (мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун зарур бўлган инвестицияларни, амал қилиш давридаги операцион харажатлар сметасини ўз ичига олган холда) таркиби ва уни ишлаб чиқиш Қўлланмасини, ҳамда нормаланадиган харажатлар ва нормаларини ишлаб чиқиш.

5. Тошкент шаҳар Давлат активларини бошқариш Маркази ва “Узсувтаъминот” АЖ билан биргаликда Жамият Бизнес-режасини таркиби, ишлаб чиқиш, маъқуллаш ва тасдиқлаш тартибини ўрнатиш.

Қайд этилган масалалар хал бўлмагунича ва тегишли хужжатлар қабул қилинмагунича тарифлар бўйича таклифлар Тошкент шаҳар Халқ депутатлари кенгаши ва ҳокимияти томонидан қабул қилинмаслиги ва тегишли қарор қабул қилинмаслиги мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўз томонидан, Жамоатчилик кенгаши экспертлари юқоридаги масалаларни хал этишда амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини инобатга олишингизни сўраймиз.

Илова: қайд этилган хулоса

Ҳурмат билан,

Кенгаш раиси ўринбосари  **Б.Ходжаев**